



YOSHLAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

2018 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ВА ШАҲАРЛАРДА АРЗОН КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг шинам турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлик даражасини янада ошириш ва турар жой шартларини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, "Ипотека банк" АТБ, Халқ банки АТБ, "Асака" АТБ ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБларнинг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан юқори қилиниши:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп қаватли (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун — 10 фоиз миқдорда;

0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган икки қаватли

4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун — 25 фоиз миқдорда бўлишини назарда тутган ҳолда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва турар жой шартларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп қаватли уйларни ўртача 15 фоиз миқдордаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкла-

рининг буюртманомалари бўйича турар жой шартларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 3 фоиз ставкаси билан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 4 фоиз миқдордаги маржаси чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсади йўналтирилган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги:

шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлар қуриш доирасида "Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича Осиё тараққиёт банки билан бир ой муддатда музокаралар олиб бурсин;

Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда аҳоли билан мулоқот натижаларига кўра аниқланган қўшимча уй-жой ҳажмларини шакллантириш якунари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қўшимча арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриши молиялаштиришга доир таклифлар киритсин;

2018 йил охиригача ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш соҳасида халқаро молия институтлари (Осиё тараққиёт

банки, Ислам тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси) билан тузилган қарз битимларига ўзгаришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Кейинчалик "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК» МЧЖнинг йиллик 5 фоиздан юқори бўлмаган ставкаси бўйича кредит линияси очилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ депозитига йиллик 3 фоиз ставка бўйича жорий йил 1 ноябргача жойлаштирилган 210 миллиард сўм миқдордаги вақтинча бўш маблағлари импорт ёғоч-тахта материаллар ва том ёпиш учун темир листларни харид қилиш манбаи этиб белгилансин.

5. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК» МЧЖ иштирок этувчи банклар билан биргаликда:

Ислам тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК» МЧЖ ҳисоб рақамларида жамланган, 2015-2017 йилларда шакллантирилган уй қурувчиларнинг дастлабки бадалларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирсин;

ҳар ярим йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига аввал аҳолига ажратилган кредитлар муддатидан олдин қоплангани тўғрисида ахборот киритсин ва вазирлик билан келишган ҳолда ушбу маблағларни уй-жойлар қуришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазирлиги Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июль

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, соҳанинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлигининг бошқарув тизими такомиллаштирилди, асосий вазири ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Яқинда вазирлик раҳбариятида ўзгаришлар амалга оширилиб, ўқув-тар-

бия жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди. Йиғилишда ушбу кўрсатмалар асосида ишлаб чиқилган халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим тизими инсон ресурсларини ривожлантиришнинг лойиҳасини, мактаблар ёшларда билим, дунёқараш ва маънавият асосларини шакллантирувчи асосий маскан эканлиги таъкидланди.

Бугун мамлакатимиздаги 9,7 миң мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 миңдан зиёд ходим меҳнат қилади. Йиғилишда қайд этил-

ганидек, кейинги йилларда коллеж ва лицейларга кўпроқ эътибор қаратилиб, умумтаълим мактабларини замон талабларига мослаштириш, уларни яхлит тизимга бирлаштириш масаласи четда қолди. Ушбу тизимга бюджет маблағлари охириги навбатда ажратиб келинди, халқ таълими ходимлари ўз вазифасидан ташқари бошқа ишларга мунтазам жалб қилинди. Оқибатда таълим сифати пасайиб кетди.

Ўқитувчилар болалар билан ишлаш ўрнига, ота-оналардан пул йиғиш, турли текширувчи комиссияларни «рози қилиш» билан овозра бўлиб қолди. Бу эса, давомат тушиб кетиши, ўқувчиларнинг қаровсиз қолиши, тарбияси бузилиши ва айрим ҳолларда турли зарари оқимларга қўшилиши ҳолатларини келтириб чиқарди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАКЛИФГА "ЙЎҚ" ДЕЙИЛГАНИ ЙЎҚ



Республикамиз бўйлаб "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг ижроси бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ва шаҳарларда фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳлари хонадон-

ма-хонадон юриб, ёшларнинг муаммоларини аниқлаб, аксариятини жойида ҳал қилмоқда. Йигит-қизларнинг тақлиф ва ташаббуслари қўлаб-қувватланяпти.

(Давоми 2-саҳифада)

BUGUNNING GAPI



БАЪЗИ САВОЛЛАРНОТЎҒРИ, БАЪЗИЛАРИДА ТЎҒРИ ЖАВОБ ЙЎҚ

"Ёш китобхон" республика танловининг саралаш босқичлари якунланди. Уч ёш тоифасида беллашган 720 миң нафарга яқин йигит-қиздан 5 миң 55 нафари навбатдаги босқичга йўлланма олди. Бироқ ташкилий масалада баъзи камчиликларга йўл қўйилмаганида уларнинг сони бундан-да кўп бўлиши мумкин эди.

(Тафсилотлар 2-саҳифада)

DOLZARB MAVZU

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

болангиз виртуал ўйинлар қаҳрамонига айланиб қолмасин...

Беҳзод компьютерига янги ўйинлар ўрнатди. Энди олти ёшга тўлаётган ўғлига «Speed Racing Car» — "Машиналар пояғаси" ўйинини қандай ўйнашни кўрсатиб берди. Ўйинга диққат билан тикилиб турган ўғли: «Дада, машинангиз одамларни босиб кетаяпти», — деди. Шунда Беҳзод: «Ўғлим, бу ўйинда одамларни машина босиб кетса ҳам ҳеч нарса қилмайди, сен машинангни ҳайдаб кетаверсан, тушундингми?» деб ўғлини компьютер ёнига ўтказиб қўйди.

Орадан икки ой ўтгач Беҳзод ўғлини боғчадан олиб, автомобиллар тўхтовсиз ҳаракатланаётган катта йўлдан ўтишга шайланди. Шу орада ўғли қўлдан чиқиб, тинимсиз ўтиб турган машиналар орасидан йўлнинг нариги бетига югурди. Бола сабаб бир неча автомобиль бир-бирига тўқнашди. Яхшиямки,

ҳайдовчиларнинг ҳушёрлиги сабаб болакай омон қолди. Фарзандининг бебошлигидан ҳаҳли чиққан Беҳзод югуриб бориб:

— Нега бундай қилдинг, — деб бақирди.

Мутираб турган ўғли: — Дадажон, машина босгани билан барбир менга ҳеч нарса қилмайди, ўзингиз айтгансиз-ку? — деб жавоб берди...

Бугун замонавий ахборот технологиялари, энг сўнгги турдаги компьютерлар кўпчиликнинг ўйиндан жой олган, улардан воз кечиб бўлмайди. Чунки, виртуал олам одамни, айниқса, ёшларни оҳанграбодек ўзига тортмоқда.

Энг сўнгги турдаги техник воситаларни пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамнафас бўлиб бормоқ керак, акс ҳолда, тараққиётдан ортада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Аммо танганинг икки

томони бўлганидек, замонавий технологияларнинг ҳам салбий оқибатлари бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Доимий равишда компьютер ўйини ўйнашни одат қилган бола ҳақиқий ҳаётни ўйиндан фарқлай олмай қолиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу аксарият ота-оналар иш кўпайиб кетганини руқаб қилиб, фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйганининг натижасида келиб чиқаётди. Жигарпорасини турли хавф-хатардан асраган ота-она онгу тафаккурга келганда бепарволик қилиб, фарзандининг овуниши, бўш ўтирмаслиги учун компьютер ўйинларига рубару қилишга уринади. Натижада бола компьютер ўйинларининг асирга айланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



IQIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

УМИДЖОН ЧУСТДАН ПОРТУГАЛИЯГА БОРАДИ

Умиджон Ҳафизов Чуст туманининг Олмос қишлоғидан. Кун келиб бу йигит дунё физиклари эътиборига тушади ва халқаро фан олимпиадаларида Ўзбекистонимиз шаънини юксалтиради деб ҳеч ким ҳаёл қилмаган эди. Аммо истевдод-истевдод-да! Ниҳоят у ўз сўзини айтди. 2015 йили Чустадаги 70-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабини тамомлаган Умиджон Наманган давлат университети қошидаги академик лицейга ҳужжат топширди.

— 800 нафар талабгор имтиҳон топширганидек, — дейди у дастлабки ютуғини хотирлаб. — Еттинчи бўлиб ўқишга қабул қилиндим. Шундан сўнг ўзимга бўлган ишонч қатъийлашди.

Ҳа, келбатидан худди "бир қарич", аммо юраги тоғдай келадиган бу йигитнинг зуваласи улғуф узилган экан. Кейинчалик Умиджоннинг ҳаёти кетма-кет янги муваффақиятларга эврилиб кетди.

— Иккинчи курсда-гимда физика фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгалладим, — давом этади сўхбаташмиш. — Шундан сўнг менга Дониёр Орипов мураббийлик қила бошлади. Эришган ютуқларимда устозимнинг кўп меҳнати сингган.

Қаҳрамонимиз учун 2017 йил ростмана омадли тамомлаган Умиджон Наманган давлат университети фаол катнашди. Шу билан бирга, Индонезияда ўтказилган физика бўйича халқаро фан олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дарвоқе, жорий йилда Умиджон буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек шарафига ўтказилган физика ва астрономия фанлари бўйича халқаро олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлди. Бахтни қарангки, тенгдошимиз иккинчи дафъа халқаро олимпиадага йўлланмани қўлга киритди. Нуфузли бел-

лашув 21 – 29 июль кунлари Португалияда бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Қишлоқ йигити учун Намангандан Португалияга олимидага йўлланмани йўл. Аммо уни босиб ўтмоқ гоят

фахрлидир. Ҳаммага ҳам на-сиг этаквермайди. Навбатдаги танловда ҳамюртимиз яна гоилиб бўлишига ишонамиз.

Саидолим
АБДУРАҲМОҶОВ



OGOHLIK — DAVR TALABI ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ҳасан УСМОНОВ

Шайхонтоҳур алоқа коллежида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш: ижтимоий, маънавий, психологик омиллар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, Ёшлар иттифоқи, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, шунингдек, ички ишлар

идораларида профилактик хисобидан турган вояга етмаганлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг



сабаблари таҳлил қилинди. — Ҳудуддаги 36 та умумтаълим мактабига профилактика нозирларини бириктирганимиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси воёга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик гуруҳи катта инспектори Гавҳар Алимухаммедова. — Улар ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил тарбиясида нуқсон бор

ўқувчилар билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Тадбир давомида навқирон авлод таълим-тарбиясига эътиборни бир зумга ҳам сусайтирмаслик, фарзандлар келажигига бепарқ бўлмаслик кераклиги таъкидланди. Иштирокчилар билан юқори даражадаги раҳбарлар, хусусан, Инновация вазирлиги Иброҳим Абдураҳмонов фикр алмашди.

ТАКЛИФГА “ЙЎҚ” ДЕЙИЛГАНИ ЙЎҚ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, 72 минг нафардан зиёд ёш истиқомат қиладиган Гиждувон туманида ҳам жараён кизгин. Шу кунгача ички гуруҳи аъзолари 46 мингга яқин хонадонга кириб, ёшлар билан юзма-юз суҳбатлашди. Тўрт минг нафардан зиёд тенгдошимиз тадбиркорликни бошлаш ва кенгайтириш учун кредит сўраб мурожаат қилган бўлса, етти минг нафари ишга жойлашмоқдигани аниқланди.

Кунги кеча Бухоро вилояти ҳокими Ўқтам Барноев туман ёшлари билан учрашди. Очiq мулоқот тарзида ўтган учрашувда йигит-қизлар асосан тадбиркорлик ва фермерликни бошлаш учун ер ва кредит олишда тўсиқларга дуч келаётгани маълум бўлди. Ҳоким барча мурожаатларни тинглаб, аксариятига жойида ечим топиб берди. Хусусан,

тикувчилик цехи, дорихона ва стоматология, эшик-дараза ишлаб чиқариш устaxonаси, болалар майдончаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриб, унаиб иш ўрни яратишни мақсад қилган Дилдора Ибодова, Ситора Исмадова, Улугбек Холиқов, Нозим Ҳамидов, Шухрат Урунов каби тенгдошларимизга ҳоким қарори билан ер ажратилди.

Шунингдек, Мунира Исимовага ҳомийларни жалб қилган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жой олиб берилди.

Учрашувда Мирзабек Музаффаровнинг ош тузини қайта ишлашга қаратилган лойиҳаси маъқуланиб, керакли ёрдам кўрсатиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилган бўлса, Мунира Узоқовага тикув машинаси тақдим этилди.

Лайло ҲАЙИТОВА

БАЪЗИ САВОЛЛАР НОТЎҒРИ ТУЗИЛГАН, БАЪЗИЛАРИДА ТЎҒРИ ЖАВОБНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан дастлабки босқич якуналарига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Тошкентдак йирик шаҳардан танловда бори-йўғи 59 нафар номзод қатнашгани афсус билан айtilди. Ўз-ўзидан аёнки, тартибот ишлари номини оғина олиб борилган. Тошкент вилоятида эса, иштирокчилар сонини кўпайтириш мақсадида атайин банк ходимлари, ҳатто ҳарбийлар тақлиф қилинган.

Анжуман давомида ёшларга ҳам сўз берилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Шохсанам Холбоева тест саволлари анча мураккаб тузилгани ва иштирокчилар ёшига мос эмаслигини таъкидлади.

— Айрим тест саволларидан хатолар топдим, баъзиларида эса,

тўғри жавобнинг ўзи йўқ, — дейди куюнчақлик билан Яққасарой туманидаги 118-мактаб ўқувчиси Севарбек Элбоев. — Масалан, “Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асаридagi қаҳрамонларни белгиланг”, деган савол остида берилган жавоб вариантларининг барчасида “Ҳошимжон” исми бор, аммо қолган қаҳрамонлар асарда мутлақо учрамайди.

Тадбир сўнгида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли қарарлар берилди. Бундан буён тест саволларини Ёшлар билан уюшмаси экспертизадан ўтказиладиган бўлди. Республика маънавий ва маърифат маркази эса, танловнинг тартибот ишларини янада кучайтириш билан шуғулланади.

Нозима МИЯССАРОВА

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

болангиз виртуал ўйинлар қаҳрамонига айланиб қолмасин...



Х.АБДУЛЛАЕВ фотоколлажи.

(Бошланиши 1-саҳифада)

— Бундай муҳитда вақт қандай ўтгани сезилмайди, шунинг учун ўсмир болалар компьютер ўйинларига мутлақ тобе бўлиб қолмоқда, — дейди болалар шифокори Дилмурод Каримов. — Болалар ўйинга берилиб кетганидан ҳатто қорни очганини ҳам билмай, касаллик орттириб олиши кузатишмоқда. Ўйинларнинг салбий оқибатлари фарзандларимизнинг руҳиятига ҳам таъсир қилмоқда. Компьютер нури нафақат болаларни, ҳатто катталарни ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқтиради. Афсуски, бола керакли физиологик қувватни техника ёнида соатлаб ўтириши натижасида йўқотади. Бола организмни ўсшини истайди, лекин кучи етмайди. Шундан

у сўлгин, руҳан жиизаки, одамови бўлиб қолади. Берилиб компьютер ўйинларининг салбий оқибатлари кўп. Энг асосийси, инсоннинг кўриш қобилияти пасаяди. Ваҳоланки, ёш болалар экранга кунлик қарашининг меъёри 45 дақиқа этиб белгиланган. Компьютер ўйинида галабага интилаётган бола ўз мақсадига эришмагунча соатлаб ҳаракат қилади. Бу ундаги худбинликни (эгоизм) кучайтиради. Атрофдагиларга бемехр бўлади. У ўйинда душманни ўлдирди. Натижада ҳаётда одамларга бепарқ бўлиб қолади. Уларга махлук сифатида қарайди. Дарс, мутлақадан ташқари, ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш туйғуларини сўниб боради. Виртуал ўйинларининг салбий оқибатлари ҳақида

оммавий ахборот воситаларида бот-бот бонг уришса ҳам барибир интернет-кафедаларнинг доимо ёшлар билан гажумлиги, у ерда ўсмирларнинг турли ўйинларга мўлжалланган кетаётгани ва қимматли вақтини беҳуда ўтказиб юрдиани дилни хира қилади. Айниқса, болаларнинг диққатини монитордан узмаган ҳолда бир-бири билан сўкишиб, бир-бирини беҳаё сўзлар билан ҳавжоратлаб гаплашиши интернетдан маълумот олиш учун келган қизлар, аёлларнинг жидий эътирозига сабаб бўлмоқда. — Иш юзасидан интернет-кафеда киришимга тўғри келди, — дейди пойтахтимизнинг 218-мактаб ўқувчиси Раъно Назарова. — У ерда 11-12 ёшдаги болаларнинг бадхўлқили-

гидан кирганига афсус қилдим. Ушандан буён бундай жойларга киришга юрагим бетламайди. Ҳар доим ота-оналар мажлиси ўтказганимда уларга ўзим кўрган ҳолатни гапириб бераман ва фарзандини ўз ҳолига ташлаб қўямаслигини, бола тарбиясига жидий қарашини, энг муҳими, бола виртуал ўйинлар қаҳрамонига айланиб қолмаслигини тайинлайман. Психологларнинг компьютер ўйинларини ўйнаш ҳар кунлик режимида айлиниши инсон руҳиятига ўта салбий таъсир қилиши ҳақидаги илмий қарашлари улғур бобоқолонимиз фикрларига ҳамоҳангдир. Буюк қомуний олим Абу Али ибн Сино вақтинчи беҳуда сарфловчи кишилар ҳақида бундан бир неча аср илгари “Бекорчи-

лик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда турли касалликларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади”, деб ёзган.

Чегара билмас ахборот макони ривожланаётган бугунги кунда ёш авлодини компьютер технологияларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш миллий қадриятларимизга содиқ, қомил фарзандларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Компьютер хизматлари кенг ривожланаётган бир пайтда ёшларнинг интернет-кафедалардан тўғри фойдаланишини таъминлаш, беҳаё сайтлар ёки турли ўйинлар таъсирини тушиб қолишининг олдини олиш ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Замонавий ахборот-ресурс марказлари электрон дарслик ва миллий ўйинлар билан бугун глобал тармоққа улганган интернет-кафедалар бир пайтнинг ўзида тезкор почта, маълумотлар базаси, дунёдаги турли воқеа ва ҳодисалар ёритилган ахборот манбаи бўлиши билан бирга, зўравонлик, беҳаёлик каби иллатларни тартиб қиладиган, ёш авлод онгу шуурига мафкуравий таъсир ўтказиладиган турли ўйинлар ўчоғига ҳам айланмоқда.

Шунинг учун ҳам маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбияси, ахлоқиси бўлиб ўсми, бундай кишилардан яхшилик кутмак эрдан туриб йўлларга қўл узатмак кабилар. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботидан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айнира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тарихқа фойда йўқдур”, деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик долзарб бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҒЕИНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳозир замоннинг ўзи “инсон капитали”га сармоя киритишни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Негаки, бугун сармоядор илгаригидек арзон иш кучи бор жойга пул тикаётгани йўқ. Сабаби, шиддатли илмий-техник тараққиёт малакасиз ишчига этибжеки кескин қамайтириб юбормоқда.

Шу муносабат билан Ҳалқ таълими вазирлиги раҳбариятига ушбу тизимда тўланиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари масаланинг кўламини ва таълим тизимининг ўзига ҳосилдиган келиб чиқиб, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойликдан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши ўртача ойликнинг атиги 79 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш учун уларни бегона ишларга жалб қилишни, фаолиятини текширишни чеклаш керак. Бунинг учун ўқитувчининг ҳақ-ҳуққидини ҳимоя қиладиган махсус ҳуқуқий хизматни шакллантириш, ижтимоий роликлар яратиш, уларнинг обрўсини ошириш зарур.

Айни пайтда умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарларига қўйилган талабни қайта кўриб чиқиш лозим. Яъни, ҳақиқий бошқарувчи (менежерлик) қобилиятига эга бўлган кадрларни директорликка тайинлаш, маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлар масъулиятини кескин ошириш, сертификация тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу мактабларда ички жамоавий назорат тизимини яхшилашга хизмат қилади. Намунавий мактабларни кўпайтириш учун уларнинг рейтингини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Президент Шавкат

Мирзиёев Ҳалқ таълими тизимини молиялаштириш қонқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлаб, ўтган йили соҳага ажратилган бюджет маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 4,1 фоиздан 3,8 фоизга камайдиганини қайд этди. Шунинг учун Молия вазирлиги 2019 йилги Давлат бюджетини шиканга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Давлатимиз раҳбари тизимга юқори маалакали мутахассислар жалб қилишни, Ҳалқ таълими вазирлиги ҳузурида уларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этишни таклиф қилди.

Яна бир муаммо мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бир неча давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилганига қарамай, уларнинг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда қолаётганидир. Асосий сабаб эса қурилиш-таъмирлаш ишларига “нопок” пудратчилар жалб этилаётганидир. Шу муносабат билан тегишли мутасаддиларга Ҳалқ таълими тизимини махсус инжиниринг компанияси ташкил этиш бўйича таклиф бериш топширилди.

Шавкат Мирзиёев умий ўрта таълим сифатини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бунда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ўқувчининг ҳар бир синфда қайси кўникмаларга эга бўлиши инобатга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш керак. Олий ва мактабгача таълим тизимлари билан узвийлиқни таъминлашга ҳам эътибор бериш лозим.

Шу билан бирга, энг замонавий услублар асосида дарсликлар яратиш ва чоп этиш, мактабларда технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтириш, уларга тааллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш керак бўлади. Бу ўқувчиларда кўпроқ мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимиз таълим тизимига ах-

борот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, ўқув жараёнини самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш учун ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаблар бўйича маълумотлар биринчи синфга қабул қилиш, мактабдан мактабга кўчириш ва бошқа хизматларни электрон шаклга ўтказиш фақат қулайлик яратмай. Электрон шаклдаги фаолиятга ўтиш, ўқитувчилар соатлаб ҳужжат тўлдирини, қоғозбозлик билан шуғулланишига ҳожат қолмайди. Маълумотлар базаси ўқувчиларни идентификациялаш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа тизимлар билан боғлаш имконини беради.

Бунинг учун мактабларни интернет тармоғи билан қамрашни кенгайтириш талаб этилади. Ҳозирги кунда бу борадаги қўрсаткич, афсуски, атиги 7 фоиз бўлиб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳалқ таълими вазирлиги раҳбариятига тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш, бунда тизимни бошқариш бўйича барча даражадаги ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси юқорида.

Йиғилишда сўзга чиққанлар умий ўрта таълим соҳасида ислохотларни жадаллаштириш, таълим сифатини кескин яхшилаш, ўқитувчилар обрўсини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқув-тарбиявий ва бошқарув жараёнини тақомиллаштириш, раҳбар ходимларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш мазкур соҳада мутлақо янги тизим шаклланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўқувчи мактабни баркамол, мустақил ҳаётга тайёр инсон бўлиб битириши ўқитувчининг фаолиятига бевосита боғлиқ. Шундай экан, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини юксалтириш ана шу эзгу орзу-умидларимизга эришишнинг муҳим асосидир.

ЎЗА

TASHABBUS

Шерзода МАҲМУДОВ

ОБОД ХОНАДОНЛАР КЎПАЙДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан амалга оширилган “Обод хонадон — юрт кўрки” лойиҳаси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Федерациянинг Марказий ижро аппарати, ҳудудий ва маҳаллий бирлашмалари масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда лойиҳа доирасида олис ҳудудларда истиқомат қиладиган қам тавминланган 14 оиланинг хонадонини Федерация маблағлари

ҳисобидан обод ҳолга келтирилди. Жумладан, наманганлик Ҳанифа Раҳимованинг набираси ва фарғоналик Баҳриддин Оттаевнинг фарзандлари учун янги уйлар қуриб берилди. Мазкур хонадонларда суннат тўйлари ўтказилиб, эҳсон дастурхонлари эзилди.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди Баҳриддин ака. — Федерация вакиллари турмуш тарзимизни ўрганиб, эскириб қолган уйимизни таъмирдан чиқариб берди. Иш ўн беш кунда битди. Ҳовлининг бир қисмида иссиқхона ташкил этилди. Ундан самарали фойдаланиб, моддий аҳволимизни яхшилаш ниятидаимиз.

Лойиҳага ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари ва ҳомийлар ҳам жалб қилинди. Масалан, Пастдаргом тумани ҳокими ва прокурори хонадон эгаларига замонавий газ плита, телевизор ҳамда 5 миллион сўм миқдордаги моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, бухгалтер Умид Тоҳиров ва сурхондарёлик Тоҳир Қобилоннинг хонадонларида товук боқишга мўлжалланган каттаклар қилиниб, 20 тадан парранда олиб берилди.

Эслатиб ўтамиз, “Обод хонадон — юрт кўрки” лойиҳасига жами 338 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Бу каби хайрли ишлар бардавом бўлади, деган умиддамиз.

ESHITDINGIZMI?



ЖОЙИ ТЕКИН БЎЛИБДИ

Сирдарёлик 34 нафар тенгдошимиз (барчаси ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари)нинг бандлиги таъминланди. Қандай қилиб деги. Жуа одаий. Уларга ўзи ёқтирган иши билан шугулланиб, даромад олишига шароит яратиб берилди, холос.

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг мазкур ташаббусини чин маънода ўзига хос дейиш мумкин. Сабаби йигит-қизларга биттадан шохобча қуриб берилган. Бу эса, кичик тадбиркор учун текин жой дегани. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бири аҳолига бузилган уяли телефон апаратурани сошлаш,

бошқаси косиблик хизматларини курсатиб келмоқда. Яна биров китоблар савдосини йўлга қўйган. Масалан, Гулистон тумани, "Улуғ йўл" маҳалласида истиқомат қилувчи Сухроб Шойзоқов (суратда) пойабзал таъмирлайди. Хунари ортдан рўзғори бут, қора қозони қайнаб турибди. Сухроб ўз мавридада курсатилган ёрдам учун ёшлар ташкилотидан жуда миннатдор.

Малик СИНДОРОВ
фотолаҳзаси.



E'lon

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ 2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА 4 ОЙЛИК ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИДА ЎҚИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Хужжатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашида 2018 йил 29 июлда қабул қилинади. Номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга, олий маълумотли, 30 ёшдан ошмаган, камиди 2 йил иш стажига эга, мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва саноатий ислоҳотлар, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатидан хабардор, маъсуллик, ташаббускор, етакчилик, ишбилармонлик қобилияти ва жамоа билан ишлаш тажрибасига эга, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий ҳўкмий органлари, жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари ёки мутахассислари бўлиши лозим.

НОМЗОДЛАРДАН ҚУЙДАГИ ХУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

1. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий ҳўкмий органлари, жамоат ташкилотларининг раҳбари имзоси билан тасдиқланган тавсиянома;
 2. Институт директори номига ариза;
 3. Суровнома, маълумотнома (объективка);
 4. Олий маълумоти тўғрисидаги ҳўжат ва иловасининг нусхалари (топширишда асл нусхалар курсатилмас);
 5. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
 6. 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
 7. 3,5 x 4,5 см. ўлчамли 6 та рангли фотосурат;
 8. Паспорт нусхаси (топширишда асл нусхаси курсатилмас).
- Бундан ташқари номзоднинг иш фаолиятини давомийлаштириш учун ягона шартнома (муқофотлари, ихтиро патентлари ва бошқалар)ни акс эттирувчи ҳўжатлар нусхалари ҳам илова қилиниши мумкин.

ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН НОМЗОДЛАР ИККИ БОСҚИЧ АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИНАДИ.

Биринчи бошқичда Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт назарияси ва ҳўқуқшунослик фанлари бўйича номзодларнинг билимини аниқлашга қаратилган тест сновлари, иккинчи бошқичда номзодларнинг салоҳияти, билим савияси ва дунёқараши, бошқарув қобилияти, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий даражаси, психологик барқарорлиги, ташкилотчилиги, етакчилиги, ватанпарварлиги, жамоа билан ишлаш кўникмаларини аниқлашга қаратилган тест сновлари, бошқарув қобилияти, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий даражаси, психологик барқарорлиги, ташкилотчилиги, етакчилиги, ватанпарварлиги, жамоа билан ишлаш кўникмаларини аниқлашга қаратилган тест сновлари.

Батафсил маълумотларни Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши ва ҳудудий кенгашларидан олиш мумкин.

Зикрилла НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Президентимиз ташаббуси асосида 30 июнда илк бор нишонланган Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи йўланмаси билан Ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари вилоятларга тақсимланганида мени Қорақалпоғистонга юборишларини сўрадим.

Жазирама кунлари ҳамма салқинроқ жойни танлаган бир пайтда энг қайноқ ўлкага боришни истаганим, очиги, уюшма маъсул ходимини ҳайрон қолдириди. Қалбимда Орол фожияси ҳақида ўқиганларим эмас, қўрганларимни ёзиш истаги борлигини билгач, хурсанд бўлиб қолиб, "Сиз билан яна бир шоир бориши керак, уни қилганини ўзингиз танланг", дейишди. Истеъодли шоир Дилшод Ражабни ҳамроҳ қилиб юборишларини сўрадим. У шинаванда йигит эмасми, дарҳол рози бўлди... Шундай қилиб, таниқчи болалар шоири – Дилшод Ражаб билан бепоев ва саховатли қорақалпоқ юрти томон йўл олдик.

Ҳаво лайнерида чексиз чўлу даштликлар узра учиб борар эканмиз, беихтиёр давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қўрамиз" номли китобида Қорақалпоғистон ҳақида айтилган қуйидаги пурмавно сўзлар ёдимга тушди: "Агар Қорақалпоғистоннинг харитасига қарасангиз, унинг улкан саҳро — Қорақум ва Қизилқум ўртасида жойлашганини, ён-атрофидаги жойлар Борса келмас, Қумбаскан, Қўйқирилган, Қанликўл деган номлар билан аталганини кўрамиз. Табиийки, бу номлар ўтмишдаги оғир фожиялардан далолат беради. 2010 йилда Ташлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби жаноб Пан Ги Мун Ўзбекистонга таширф буюрганида, мен муҳтарам Юртбошимизнинг топшириғига биноан юксак мартабали меҳмоннинг Қорақалпоғистонга сафари давомида унга ҳамроҳлик қилдим. Биз вертолётда парвоз қилиб, бутун Қорақалпоғистон ҳудудини, кўриб бораётган Орол денгизини тепадан туриб яққол кузатиш имкониятига эга бўлдик.

Ушанда мен меҳмонимизга Орол денгизи билан боғлиқ экологик оғат ҳақида, жумладан, денгиз тубидан ҳар йили 700-800 миллион тонна туз бўронлари ҳавога кўтарилиши ҳақида гапириб берган эдим. Бундай аянчали манзарани кўзи билан кўриб, ишонинглар, жаноб бош қотибнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. "Мен дунёдаги ҳалоқат содир бўлган кўп жойларни ўз кўзим билан бориб кўрганман, — деди у ўшанда. — Лекин бундай оғир экологик ҳолатни қўриб турибман. Шундай кескин вазиятга қарамастан, бу ерда яшаб меҳнат қилаётган одамларга, уларнинг сабр-бардошига қойил қолдим, деб айтганини мен, шахсан ўзим эшитганман".

Президентимиз китобида ёзилган гаплар айти ҳақиқат эканини самолёт Нукус шаҳри аэропортига қўнишга тайёргарлик кўраётгандаёқ сездик. Ёмғирдан кейин ҳосил бўлган қўлмакка ўшаб қўринаётган кичик қўл ва бошқа сув ҳавзаларини айтмаганда, чор-атроф бепоев қўлмакдан иборат эди...

Бизни Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши масъул ходимлари — Азизбек ва Қувончбек кутиб оларкан, эртага саҳарлаб биримизни Кўнғирот, яна биримизни Амударё туманидаги тадбирларда иштирок этиш учун олиб кетишни айтди. Тонг ёришгач, Кўнғирот туманига отландик. Туман ҳўкмийлиги ёнида ҳўким қўрибсори Бахтиёр Камолов ва Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенга-

Абат Мамутов. — Негадир уларнинг асбоби фақат бир тепаликка ишора қилаверган. Мутахассислар қайта-қайта ўлчаसा ҳамки, шу ҳўл тақрорланибди. Ниҳоят атрофда қўй боқиб юрган чўпонлардан суритгирсалар, бу ерда Жантемир эшон мазори бораиги аниқланди. Шу бос йўлсозлар йўлини қабристоннинг ўнг томонидан буриб ўтказишга мажбур бўлган. Шу-шу Жантемир эшонни "йўлни бурган авлиё" деб ҳам атай бошлашди. Биз ёшлар етакчисининг ўз халқи тарихини яхши билиши ва ажадларни ҳўқимда фахр-ифтихор билан сўзлашадиган мамнун бўлдик. Машина саксовулу юлғунлар оралаб олиб бо-

берди. Мўйноқ туманига кириб борар эканмиз, йўлнинг ўнг томонида чоғроқина қўл ва ўнда сузаётган ўрақсимон қўшларни кўриб, кўнглимиз янада равшанлашди. Демак, бу ерларда ҳеч бўлмаганда балиқ овланган кўриш мумкин. Айтгандек, жорий йилнинг февраль ойида Мўйноқда "Орол денгизи балиқларида 90 турдаги таомлар" гастрономик фестивали ҳам ўтказилди. Бу тадбир дунё аҳлига шундай ризқ-насиба манбаи бўлиши Оролнинг тобора мункайиб бораётганига ёркин ишоралек туюлди менга. Ниҳоят Учсойдаги "Кемалар қабристони"да миз. Аҳволни

Эллиққалбадаги кейинги тадбир пешинга яқин "Дийдор" тўйхонасида бошланди. Бу ерда кам таъминланган 150 нафардан ортиқ оила фарзандига байрам дастурхони ёзилиб, болажонларга туман ҳўкмийлиги ва Ёшлар иттифоқи номидан китоблар ва ўқув қўраллари совға қилинди. Дилтортар қўй-қўшиқлардан иборат концерт дастури барқаннинг қалбига шодлик улашди. Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси Озода Рўзимованин маълумотига кўра, ҳудди шундай хайру саховат тадбирлари бошқа манзилларда ҳам ташкил этилди. Жумладан, "Гулистон", "Дўстлик", "Шарқ юдузи" овул фуқаролар йиғинлари, "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда ногиронларга байрам дастурхони ёзилиб, совға-саломлар улашди. Бу эса болалар қалбига эзгулик рамзи сифатида бир умрга муҳрланиб қолди.

ОРОЛБЎЙИ ЁШЛАРИНИНГ

ОРЗУЛАРИ ПОК

("Ватан учун яшайлик" танловига)



Сафаримизнинг учинчи куни Нукус шаҳрида Ёшлар куни муносабати билан гала концерт ўтказилиши керак эди. Оқшомгача ҳали вақт бор, унганча И.В.Савицкий номидagi Қорақалпоғистон давлат санъат музейини томоша қилмоқчи бўлдик. Музей ходимаси Ойсултон бизга экспонатлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Уларнинг сони бўйича И.В. Савицкий музейи жаҳонга машҳур Луврдан кейин иккинчи ўрinda туришини эшитиб лол қолдик. Музей залларини айланар эканмиз, қорақалпоқ халқининг тарихи нақадар чуқур илдизга бориб тақаллашини яна бир бор орақдан ҳис этдик. Миллати украин бўлган Иван Савицкийнинг қорақалпоқлар тарихи ва маданиятига шунчалик меҳр қўйгани-ю, ўлимидан кейин давлатимиз томонидан "Буюк хизматлари учун" ордени билан муқофотлангани ҳам бежиз эмаслигини англадик.

Музейнинг қорақалпоқ халқи турмуш тарзи акс этган, И.Савицкий ва кўплаб бошқа рассомларнинг ижод махсуллари ҳамда Лувр музейи экспонатларининг нусхалари қўйилган заллари бизда катта қизиқтиш уйғотди. Орол денгизи тарихи ва унинг фожиясига оид экспонатлар эса қалбимизни ларзага солди.

Эрта тонгда катта ҳаво лайнерида пойтахтга қайтар эканмиз, дунё аҳлининг, хусусан, қўни республикаларнинг Оролбўйи халқлари тақдирини енгиллаштириш борасидаги "Аср лойиҳаси"дек нажоткор ташаббусини рўёбга чиқарилишида нафақат хайрихоҳ, балки камарбаста бўлишига умид қилиб қолдик. Оролбўйи ёшларининг орзу-умидлари ҳам шу эзгу ниятга муштарак:

Учрашувдан сўнг ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси Саламат Иноятов бизни Оролбўйи ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси билан таништириш мақсадида Мўйноқ экология музейига бошлади. Музейда Орол денгизи шу ҳудуд яқинида яшовчи халқларнинг тарихи, турмуш-тарзига оид кўпгаб экспонатлар, жумладан, балиқчи кемаларининг макетлари, овчи ва балиқчилик ҳаёти акс этган тасвирли санъат асарлари жой олган. Айрим қуш ва ҳайвонларнинг қотирилган кўринишлари ҳам бор. Уларни томоша қилиб бундан салкам бир аср аввал денгиз соҳиллари қандай оромбахш ва жаннатмакон бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Эртаси куни Қорақалпоғистон Республикаси "Маҳалла" жамағатаси раисининг биринчи ўринбосари Тожибой Раманов ҳамроҳлигида Эллиққалбага йўл олдик. Тумандаги санъат саройининг ёзи дала шийонида "Ҳўким ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтаётган экан. Бизни ҳам шу ерга таклиф қилишди. Ёшлар куни муносабати билан ҳўким Эллиққалбада йиғит-қизларни самийми қўтлади. Мамлакатимизда ёшлар жамятининг энг илгор қатлами сифатида ҳамиша қўллаб-қувватланиши, уларнинг баркамол шахс бўлиб вояга еттишини таъминлаш давлатимиз диққат марказидаги масала эканини таъкиқлади. Тадбир тугагач, туман ҳўкимини барчамизни шу ернинг ўзида ташкил этилган Меҳнат ярмаркасига таклиф этди. Ёшларга 179 бўш иш ўрни ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Айримлари мутахассислиги бўйича иш топганидан сўноиб, меҳнат шартномаси тузиш тарафидига тушиб қолди.

Чўлнинг ўрталарида кўриниши тол ва майда баргли терракка ўхшаш дарахтлар ҳавонинг қайноқ тафтини ҳам писанд қилмай, сукутга чўмганча қаторлашиб туради. "Булар томли, теракми!" — деймиш қизиқсиниб. — Туронғул — жавоб берди ҳамроҳимиз қўлимсираб. — Бир пайтлар сувви қўл бўлиб, энди эса, яйдоқ чўлга айланган бунақа жойларда фақат шу дарахт ўсиши мумкин. Уларни ҳеч ким эммаган, ўзидан-ўзи ўсиб, кўпаяди. Жуа бардошди. "Ҳа, бу туронғул дарахти ҳам сабр-бардошни қорақалпоқ халқидан ўрганган бўлса, ажабмас", — деган ўй ўтди хаёлимиздан.

Жантемир эшон мазоридан Мўйноқ томонга 45-50 километра юриб Ажиниёв ота мақбарасига дуч келдик. Узок вақт қаровсиз қолган мақбара истиқбол йилларида таъмирланиб, фойза кирган қадамжони зиёрат қилар эканмиз, беихтиёр Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг "Айтлик Ажиниёв қўшиқларидан" деган ўтли сатрлари ёдимизга тушди. Йўлда давом этар эканмиз, беш-ўн чақиримдан сўнг ўнг томонимизда "Бўзатов" деган ёзув чиқди ва ўнг томонда атрофлари юлғуну саксовул шоҳлари билан ўралган лойсувоқ томли кишлоқ кўринди. Уч-тўрт болалай анҳорни эслатувчи қирғоқлари бетон қилмингадан қаналанин сокингина оқётган лойқа суввида чўмилиларди. Сув болаларининг белигача ҳам келмайди, лекин улар шунга ҳам шўкр қилиб, бир-бирига сув сачратиб ўйнардди. Дарвоқе, Кўнғиротдан Мўйноққача икки-учта шундай кичик каналларга дуч келиб, оз бўлса-да, сув бор эканлиги қалбимизга таскин

Яна чанқоқ қучоғингда мавж кўрайин,
Севинчлардан кўзимдан ёш сизиб кетсин.
Юрагимни балиқ қилиб қўйворайин,
Сувларингда шўх хандон сўзиб кетсин.

Сен — Заминнинг уриб турган юргисан,
Ҳеч тинмаги, куч-қудратта тўл, Оролжон!
Бир мен эмас, башарият тилагисан,
Сен ўлмагил, мангу омон бўл, Оролжон!

Авалгайди яна мавжга тўл, Оролжон!



1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Yoshim 25 da. Zavodda uch yil ishladim. Yaqinda korxonamiz tugatildi. To'rt oydan beri ish topolmayman. Aniqlik kiritib bersangiz, bunday holatda men ishsiz deb topilishim mumkinmi?

Salohiddin NURMETOV
Hazorasip tumani

Savolga huquqshunos
Gulnoza YO'LDOSHEVA
javob beradi:

— Ha, mumkin. O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 60-moddasiga muvofiq, o'n olti yoshdan boshlab to'rt yilga qadar ta'minlanish huquqini olishgacha bo'lgan yoshdagi;

— ishga va ish haqi (mehnat daromadi) ga ega bo'lmagan;
— ish qidiruvchi shaxs sifatida mahalliy mehnat organida ro'y-

xatga olingan;
— mehnat qilish, kasbga tayyorlash yoki qayta tayyorlashdan o'tish hamda malakasini oshirishga tayyor mehnatga qobilyatli shaxs ishsiz deb topiladi.
Rasman ishsiz deb topilish va ishsizlik nafaqasini olish uchun mahalliy mehnat organiga murojaat qilishingiz zarur.



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

MULOHAZA UCHUN MAVZU

TASHNAMIZ...

Munisa A'ZAMOVA

Anhor labidagi yalpiz shabnam bilan yuzini yuvayotgan paytda zilol suv quyosh nurida jilvalanadi. Suvning alla kabi eshitilayotgan sehri ovoz ko'ngilga xush yoqadi. Undan mayсалar, qushlar — ona zamin bahramand bo'ladi. Ammo...

Ular gulday hayot kechirardi. O'zi ham, turmush o'rtog'i ham yaxshi joyda ishlash, topish-tutish odamlar havas qilgudek edi. Biroq ikkisi ham boriga qanoat qilmadi. Sakkiz oylik dilbandini buvisiga qoldirib, ko'proq pul topish ilinjida chet elga ketdi. Farzand olti yoshga to'ldi hamki, ota-onadan darak yo'q. Qizaloq hamon ularning mehrihga tashna...

Farzandlari uchun o'zini o'qqa-cho'qqa urayotgan ona tong sahardan kun yorishguncha tomorqada ishlaydi. Bu orada maktabda farroshlik qilishga ham

ulguradi. U yerdan qaytib, qosh qorayguncha yana yerning ichiga kiradi. Onazor kechalari ham tinim bilmay qo'shnilarining u-bu kiyim-kechaklarini bichib-tikib beradi. Uch norasidasi do'stlaridan kam bo'lmasin, ta'lim olishi, yaxshi odam bo'lishiga sharoit yaratay deydi bechora. Bolalarining aroxo'rtasi esa, yarim tunda kelib: "Pul ber!" — deb o'shqiradi, ayovsiz kaltaklaydi. O'sha dam bir burchakda ko'z yoshiga ko'milib yotgan bolakaylarning nigohi uchqunday adolatga tashna.

Ko'chaning muyulishida bir xonadon bor. Atrofiga suv sepilgan, orasta. Bir qarashda bu oildan kamchilik yo'qdek ko'rinadi. Ammo ota-onaning oq yuvib, oq taragan, yuru ko'kka ishonmay kelgan arzandasi noqobil chiqdi. Yigitning na o'qishga, na biror ishga ishtiyoqi bor edi. Nihoyat uni institutga hujjat topshirishga ko'ndirishdi. Shartnoma asosida o'qishga

qabul qilindi. Ota-ona yagona farzandimiz deb, qiynalsa ham kontrakt pulini to'lay boshladi. O'g'il ham boshida qiziqqanday bo'ldi. Ammo keyinchalik... Amallab ikki yil o'qidi-yu, ota-onasiga ham aytmay, Rossiyaga ketdi. Bir yilda qaytib keldi. Bechora ota-ona xursand. Ming mashaqqat bilan o'qishini qayta tiklashdi. Biroq noqobil o'g'il olti oy ham o'qimay yana eski "hunar"ini ko'rsatdi. Shu shu oradan olti yil o'tdi. O'tgan yillar davomida o'g'il aqalli bir marta qo'ng'iroq qilib: "Mendan xavotir olmang, sog'-salomat yuribman, ishlarim joyida", — degan emas. Bugun bechora ota-onaning sochlari oqargan, kuni ming tashvish bilan o'tayotir. Tilab-tilab olgan o'g'il esa, vaqtichog'liq qilib yuribdi. Go'yo, olis-olislarida mehrga, nevaralar kulgusiga tashna yaqinlari unga intizorligini bilmagandek.
Ha, suv bor — tashnamiz, quyosh bor — sovg'otimiz, nur bor — izlamaymiz. Hayotda biz uchragan qiyinchiliklar ham aslida qachonlardir o'zimiz qilgan ishlarning natijasidir. Shunday emasmi!

BOQIY QADRIYATLAR

H.TOSHEMIROV

QALBNI SEHRLOVCHI SOZ

San'atga oshufla qalbdan doimo ezgu niyatlar jo'sh urib turadi. Ayniqsa, musiqaning sehri va jozibas o'zgacha. Milliy sozlardan taralayotgan diltortar navolarni-ku, asti qo'yavering. Ular yuragingizda ajib hislar paydo qiladi.

O'zbek musiqa san'ati shakllana boshlagan eng qadimgi davrdan boshlab to bugungi kungacha milliy cholg'uchilik an'analar sayqal topib kelmoqda. Ularni yosh avlodga yetkazish maqsadida respublikamizning barcha hududlarida bolalar musiqa va san'at maktablari tashkil

etilgan. Bundan tashqari musiqiy merosimizni asrab-avaylash va rivojlantirishda ko'p yillardan buyon faoliyat ko'rsatib kelayotgan O'zbekiston davlat konservatoriyasining alohida o'rni bor. Ta'lim dargohiga kirsangiz, hamma yoqdan turfa kuytaronalar yangraydi. E'tiborimni, avvalo, dutorchi qizlar tortdi. Dutorning

mayin ovozi sizni sehraib qo'yishi hech gap emas. Ijroga bor vujud bilan berilgan tengdoshlarimiz labiga beixtiyor tabassum yuguradi, yuzi quvonchdan yashnaydi. — Yozgi ta'til bo'lishiga qaramay, musiqa bilan shug'ullanishni kanda qilayotganim yo'q, — deydi o'zbek musiqasi fakulteti talabasi Marjona Toshva. — Vaqtni behuda o'tkazmay, o'z ustimda ishlayapman. Kelajakda dutor bo'yicha saboq berib, shogirdlar tarbiyalashni xohlayman. Motsart, Bax singari jahonga mashhur bastakorlar bir kunda kamida sakkiz soat musiqa bilan mashg'ul bo'lgan. Bugungi ijodkorlar uchun ular ibrat namunas, albatta. Umid qilamizki, ertamiz egalari milliy qadriyatlarga sodiq qolib, o'zbek san'atining dovrig'ini yanada oshiradi.

YOSHLIK ILHOMI

JANOZADAGI IG'VOGARLAR

Dilfuza ASHURBOY qizi

Ramazon oyi. Bobom bir kam to'qson yoshida yorug' olamni tark etdi. Erta tongda barcha qarindosh-urug' yig'ildi, hatto osmon ham biz bilan birga ko'z yosh to'kardi. Eshik yonida to'qqiz nafar xolam, "yangi momom" (men ularni shunday chaqirardim) va onajonim boshiga oppoq ro'mol o'rab, egniga uzun chopon kiyib olgan. Ularning yoshlari yomg'irga qo'shilib, yer bag'riga singardi.

Biz, nabira qizlar yomg'irdan pana joyga, devor yonida tizilib turardik. Qishloq ayollari ko'p qatori bizga tasalli berib, bag'riga bosardi. Mahalladagi ayollar ham yonimizga kelib turdi. Meni esa, bu narsalar qiziqitmas, onamdin ko'zimni uzmasdim. Qanchalik iztirob chekayotgani yuzidan sezilib turardi. Yig'layotgan opalariga e'tibor bermay, bir nuqtaga termulib, yelkalar silkinib yig'lardi. Qani endi yugurib borib onamni quchoqlab olsam-u, yoshlarini artsam. Onam yomg'ir ostida turibdi. Ularni pana qilayotgan tok barglarining orasidan tomchilar o'ta boshladi.

Kiyimlari shalabbo bo'ldi. Ishqilib shamollab qolmasin-da. Buning ustiga buqog'i bor, birpasda nafasi siqiladi. Ko'p yig'ladi, boshlari og'rib, oyoqlari muzlab qolmadimikan? Xolalarim bir-bir uyga kirib isinib chiqdi, onam esa, joyidan jilgani yo'q.
Shu payt xayolimni yonimda turgan ayollarning gapi bo'lib yubordi.
— Naziraxon, anu ikkinchi turgan qizi glavrach, lekin eri yaxshi chiqmadi-da, ajrashib ketdi. U vaqtda kichkina qizi ikki yosh edi, hozir kollejdagi o'qiydi. Essizgina, to'rtta bolani yetim qilib, o'zi boshqasiga uylandi. Haligacha turmushga chiqmadi-ya, ukasining

uyiga egalik qilib olgan!

— Farog'at opa, ular nega ajrashdi o'zi, ayb kimda bo'lgan?

— Bilmadim. Hamma har xil gapiradi. Ha aytgancha, boboning ikkinchi kampir qaysi biri, bilmaysizmi? Shaharda uyi bormish, shu vaqtgacha chol-kampir shaharda yashagan ekan. O'g'il-qizlari sig'dirmagan-da bechoralarni. To'rt yil ichida ikki farzandli bo'ldi. Norasidalarining ahvoli nima kechar ekan-a endi?

Bu ig'volarni tinglab onamning yuzi nordon olma tishlagandek burishib ketdi. Jahli chiqib turibdi-yu, lekin bir narsa deiyishga maduri qolmagan. Yig'layverib ko'zlarini qizarib ketgan. Lablari nimadir deb pichirlardi-yu, biroq ovozi chiqmasdi. Buqog'i qinyayapti, shekilli, entikib-entikib nafas olardi.

— Anoraxon, chetda turgan ozg'ingina ayolni ko'ryapsizmi? O'lgur yoshgina, yonidagisi o'g'li; shu-da kampir. Qoshlarini chimirib turishini qarang. Umuman istarasi yo'q. Hali qarab turing, hech qancha o'tmay boshqasiga tegib ketadi.

— Menimcha, shahardagi uy shunga qolsa kerak. Bolalari

uchun da'vo qilishga haqqi bor. Mashina kimga qolar ekan-a? Dalalar-chi? Rosa pullarni bosib qo'ygandir, qachon qarama yelib-yugurardi.

To'rtinchi qizini qarang, juda kamnamo edi, yaxshi kunida xabar olmagan, endi kelibdi. Bu ham yetmagandek qayta-qayta kiyimini almashtirib chiqyapti, siqilayotganga ham o'shamaydi. O'zini ko'rsatgani kelganmi bu yerga? Harakatlari soxta, ko'zlarini yolg'ondan artyapti. Narigi mahalladagi Sadoqat opaning janozasida qizlari yig'lamadi, nevaralari ham yig'lamabdi. Oqibatsizlar!

Ig'vogarlarning gapini eshitib qonim qaynadi, lekin odamlar ichida andisha qildim. Ular nima uchun kelgan o'zi? G'iybat qilganimi? Bobomning mol-dunyosi bilan nima ishi bor? Ta'ziyaga kelgan odam birovning hayotini muhokama qiladimi? Eh, siz ovog'i qolib tili bilan yuruvchi odamlar, qachon sizlarga insof kiradi, qachon dunyoga xolis ko'z bilan qaraysiz? Kimnidir tanqid qilishdan oldin, o'zingizni o'nglab olsangiz bo'lmaydimi?!

Yana onamga qaradim. "Ular tiliga egalik qilmaydigan odamlar, o'ylamay gapiraveradi. Faqat kasal bo'lib qolmang, iltimos! Ko'zlarining yoshlanishini istamayman. Endi sizni hech qachon yig'latmayman".

tuzatib kelish uchun darhol dekanatga chopdim.

Qaytib kelganimda ko'pchilik imtihondan o'tib bo'lgan, biroq xonadan hamon chaqaloqning yig'isi eshitilardi. Hayron bo'lganimni sezgan qizlardan biri ko'rsatkich barmog'ini labiga bosib: "Jim", — dedi.

Domla yana bir qizimizni chorlab, bahosini qo'yib berdi-da, bolasini tezroq tinchitishni, ehtiyot qilishini tayinladi. Peshonasidan terini artib, bosh chayqab qo'ydi.

Nima gapligini

tushunganimda kulgudan o'zimizni arang tutib qoldim.

— Tavba, guruhingdagi qizlarning imtihonga chaqalog'ini ko'tarib kelganini qara-ya, — dedi keksa domla andak jahli, jinday bag'rikenglik bilan kulimsirab.

Guruhimizda faqat bitta qizimizning chaqalog'i borligini, qolganlari hali turmushga chiqmaganini sodda va beozor ustozimizga aytib o'tirmadim. Yana bechoraning qon bosimi ko'tarilib ketmasin.

DO'PPINGNI QO'LGA OLIB, YOSHLARGA BERSANG BAHO, BA'ZILARI XUDDIKI TAN OLINMAGAN DAHO!..



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

BILASIZMI?



AQSHning Nyu-Gempshir shtatidagi Vashington tog'i sayyoramizning eng xavfli joylaridan biri hisoblanadi. Uning cho'qqisida shamol tezligi rekord darajada yuqori — soatiga 372 kilometr ga yetadi. Qish boshlansa shamol dahshatli boronga aylanadi.



Efiopiya davlati shimolidagi Danakil cho'li ham o'ta xavflidir. Bu yerda havo harorati 70 darajagacha qiziydi. Vaqti-vaqti bilan vulqon otilib, zaharli bug' chiqadi. Danakilida oltingugurt kislotasi va gazdan iborat ko'llar ham talaygina. Sayohat qilaman deb sog'liqdan ajralish hech gap emas.



Keymada-Grandi oroliga sayyohlar borishi man etilgan. Sababi u joy zaharli o'simlik va ilonlarning koni. Ilonlarni orolning har qaysi qismida uchratish mumkin. Chaqsa insonni o'ldiradi.

"QAHRAMON" CHAQALOQ

Habib SIDDIQ

Chaqaloq yig'isi nafaqat ustozning, balki kursdosh yigit-qizlarning ham g'ashiga tegdi. Domlarning guruhdosh qizimizga rahmi keldi:

— Tinchiting, qizim, — dedi muloyimlik bilan.
— Hozir, ustoz, — deya chaynaldi kursdoshimiz.
Biroq hech qancha o'tmay bolaning chinqirig'i yana xonani tutdi.
Birdan kulgu ko'tarilib,

hammaning e'tibori ularga qarattildi.
Nihoyat domla talaba qizni yoniga chaqirdi. Tezda bahosini qo'ydi-da, chiqarib yubordi.
Guruh sardori bo'lganim bois, qaydnomadagi xatoni

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov,
Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev,
Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina —
mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid
O'ktamjonovich
Norboyev Jamoliddin
Jumanazar o'g'li

Navbatchi

Nozima Miyassarova

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.



Saytning o'zini ushbu
QR kodni telefoningiz orqali
skaneringiz.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (fax)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida.
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indexlar: 203, 3203

Baxosi kelishgan narxda

Buyurtma G-736
Adadi — 12955

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.20
O'zga yskuni — 00.05

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

O'zbekiston Respublikasi

1 2 3 4 5